



№ _____

**Олий таълим муассасалари
ректорлари ва филиаллар
директорларига**

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 2019/2020-ўқув йилининг учинчи ҳафтасида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан мазкур ҳафта давомида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларини “**Инсон одоби билан гўзал**” мавзусида юқори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

Машғулотлар вазирликнинг 2019 йил 24 августдаги 87-02-1986-сонли хатида қайд этилган қуйидаги эслатмалар асосида ташкиллаштирилиши лозим:

“Ахборот ва мураббийлик соати” 4 босқичдан иборат бўлади.

1-босқич (20 дақиқа). Ахборотлардан хабардорлик ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан қисқача танишиш. Мазкур масала бўйича матн ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан дарс ўтиладиган кундан бир кун аввал тайёрланади.

2-босқич (20 дақиқа). Ахборот соати мавзусини ёритиш. Бу босқич иловада берилган мавзу матни асосида ўтказилади.

3-босқич (20 дақиқа). Талабалар билан фазилатлардан бири ҳақида суҳбатлашиш ва шу фазилатни кенг тарғиб қилиш. Мазкур фазилатнинг зидди бўлган иллатдан сақланишга чорлаш. Ҳар бир мавзуда келтирилган фазилат маъно-мазмунини ёритилиб, улар ҳақида ҳадис, мақол, ҳикматли сўз, ривоят ва бошқалар келтирилиши лозим.

4-босқич (20 дақиқа). Бадий адабиётлар билан танишиш босқичи. Мазкур босқичда албатта шу ой учун мўжалланган китоб ҳақида қисқача маълумот берилиши лозим.

Дарс ўтиш ҳафтасидаги вазиятга қараб мавзулар олий таълим муассасалари томонидан ўзгартирилиши ёки бойитилиши мумкин.

Илова: 16 бет матн ва 12 та слайд.

Хурмат билан,
“Маънавият ва маърифат”
маркази директори

О.А.Худайназаров

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР
МАЪЛУМОТЛАР**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САНИТАРИЯ-
ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ф а р м о н и**

<http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasida-sanitariya-epidemiologiya-khizmati--09-09-2019>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ПРЕЗИДЕНТ, ИЖОД ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
МАКТАБЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ф а р м о н и**

<http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-vazirlar-ma-kamasi-uzuridagi-preziden-10-09-2019>

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш
агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
қ а р о р и**

<http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-vazirlar-ma-kamasi-uzuridagi-0preziden-10-09-2019>

**Ўзбекистон Республикасида нотариат тизimini тубдан ислоҳ қилиш
чора-тадбирлари тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ф а р м о н и**

<http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasida-notariat-tizimini-tubdan-islo-ilish-10-09-2019>

ТОШКЕНТДА ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги Президент мактабига ташриф буюрди.

Барча соҳаларда илғор тараққиёт йўлидан бораётган ва юксак марраларни қўяётган юртимиз учун ҳар томонлама етук кадрлар керак. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари томонидан қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бунга замин яратилди. Мактабгача таълим, умумтаълим ва олий таълим тизими мазмунан ва сифат жиҳатидан янгиланиб бормоқда.

Мамлакатимизда ташкил этилаётган Президент мактаблари янги авлод кадрларини тарбиялашда муҳим асос бўлиши шубҳасиз. Чунки бу ўқув масканлари иқтидорли болаларни аниқлаш, илғор технологияларни қўллаган ҳолда уларга сабоқ бериш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизим бўлади. Таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилади.

Шундай мактабларнинг биринчиси пойтахтимизда фойдаланишга топширилди. 168 ўринга мўлжалланган мактаб биноси ва ётоқхона, 15 ўринли ўқитувчилар меҳмонхонаси юксак даражада бунёд этилди.

Жорий йилда мактабнинг 5-10-синфлари учун ҳужжат топширган 7 мингга яқин ўқувчидан 144 нафари ўқишга қабул қилинди. Канаданинг “Teachaway” ва Буюк Британиянинг “TIC Recruitment” рекрутинг компаниялари билан ҳамкорликда мактабга 30 нафар чет эллик мутахассис танлаб олинди. Шунингдек, 72 нафар тажрибали ва малакали маҳаллий ўқитувчи ҳам жалб қилинди. Таълимда STEAM ёндашувига оид дарслик ва ўқув қўлланмалари олиб келинди.

Президент Шавкат Мирзиёев мактабда яратилган шароитлар билан танишди, ўқувчилар билан суҳбатлашди.

- Бу ҳаётингиздаги биринчи синов бўлди. Меҳнат, билим, адолат нима эканини кўрдингиз. Сизларни шундай нуфузли мактабга муносиб бўлганингиз билан чин юрагимдан табриклайман. Сиз энди Ўзбекистоннинг “олтин фонди” сизлар, - деди Президент. - Халқнинг, мамлакатнинг буюклигини тараннум этадиган нарсалар кўп. Лекин энг афзали билим билан намоён этиш. Ёшларимиз орасидан Хоразмийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар чиқишига барча асосларимиз бор. Бугун тарихий кун. Илгари юртимизда бундай шароит бўлмаган. Энди чет элдан нуфузли меҳмонлар келса, катта-катта заводларни эмас, Президент мактабларини кўрсатамиз. Сизлар билимингиз, юриш-туришингиз, ватанпарварлигингиз билан ҳамма ёшларга намуна бўлишингиз керак. Келгусида Ўзбекистон тараққиётига таъсир кўрсатадиган куч бўласизлар.

Мактаб ўқувчилари замонавий билимларни ўзлаштириш билан бирга миллий ўзлигимизни чуқур англаши, тарихимиз ва она тилимизни мукамал билиши шартлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари педагоглар билан ҳам мулоқотда бўлди.

- Юрагимдаги гапимни билишларингизни хоҳлайман: мен сизларга энг катта бойлигимни ишониб топширяпман. Болаларимизнинг кўзини, билимини, ғурур-ифтихорини кўриб, йўлимиз тўғри эканига ишонч ҳосил қилдим. Ислохотларимизга, фарзандларимиз тарбиясига елкадош

бўлганингиз учун сизларга миннатдорлик билдираман, - деди Шавкат Мирзиёев.

Ўқувчиларнинг ота-оналари ва илм-фан намояндалари билан учрашувда Ўзбекистонда учинчи ренессанс даври бошланаётгани таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Президент мактабининг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди, мактабнинг илк ўқувчи ва ўқитувчилари билан суратга тушди.

Президент мактаблари жорий йилда Нукус, Хива ва Наманган шаҳарларида ҳам очилади. 2020 йилда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида, 2021 йилда Андижон, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида қурилиши режалаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ФАХРИЙ МЕҲМОНЛАРИ КИТОБИГА ЁЗГАН ДАСТХАТИ

"...Янги Ўзбекистонимизни юксак тараққиёт босқичига кўтаришдек эзгу ниятимизга янгича ва мустақил фикрлайдиган, ўз Ватанини жонидан ортиқ севадиган, унинг ёруғ келажаги учун садоқат билан хизмат қиладиган, фидойи ёшларни тарбиялаш орқали эришамиз.

Ана шундай салоҳиятли ва баркамол кадрларни тайёрлаш мақсадида республикамизнинг ҳар бир худудида мутлақо замонавий шаклдаги таълим муассасалари – Президент мактабларини ташкил этдик.

Мен ишонаман, бу масканлар жонажон Ўзбекистонимизнинг эртанги тақдирини ўз қўлига олишга, глобаллашув даврида кескин беллашув ва рақобатларда ғолиб бўлишга қодир шахсларни – янги Хоразмийлар, Фарғонийлар, Берунийлар, Улуғбекларни тарбиялаб етиштиради.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида фаолият бошлаган Президент мактаби халқимизнинг улуғвор ва олижаноб орзу-ниятларини рўёбга чиқаришда барчага намуна бўлишига тилакдошман".

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев**

14 СЕНТЯБРЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ ҚЎҚОН ШАҲРИДАГИ БУЮК АЛЛОМАЛАР МУЗЕЙИДА ЗИЁЛИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Давлатимиз раҳбари Қўқон шаҳридаги Буюк алломалар музейида Фарғона вилояти фаоллари, нуронийлар, зиёлилар билан мулоқот қилди. Унда маданият, маърифат соҳаларидаги ўзгаришлар, ёшлар таълим-тарбияси ҳақида сўз борди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВНИНГ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК
ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ
НУТҚИ**

Ҳурматли фестиваль иштирокчилари!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сизларни сўлим ва мафтункор Фарғона водийсида, қадимий ва гўзал Қўқон шаҳрида кутлашдан бағоят мамнунман.

Барчангизни ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказилаётган биринчи Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Жаҳон ҳунармандлар кенгаши президенти, ҳурматли Рози Гринлис хонимга анжуманимизда шахсан иштирок этаётгани учун самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Фестивалимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси маданият вазири Владимир Мединскийни, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Ақтўти Раимкуловани, Туркменистон маданият вазири Атагелди Шамурадовни, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Ўрумбекзодани, Озарбайжон Республикаси маданият вазири Абулфас Гараевни, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазири Азамат Жаманқуловни, Беларусь Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Наталья Карчевскаяни, Арманистон Республикаси таълим, фан, маданият ва спорт вазирининг ўринбосари Нарина Хачатурянни чин дилдан кутлаймиз.

Бундан ташқари, Хитой санъат ва ҳунармандчилик уюшмаси президенти Ху Нианшага, Ҳиндистоннинг Харяна штати туризм вазири ўринбосари Вижай Вардханга, Малайзия халқ амалий санъатини ривожлантириш корпорацияси бош директори Энчик Ибрагим бин Исмоилга, шунингдек, ЮНЕСКОнинг юқори мартабали вакиллари ҳамда Жаҳон ҳунармандлар кенгашининг Осиё-Тинч океани, Америка ва Африка минтақалари бўйича раҳбарларига самимий миннатдорлик билдирамыз.

Даврамызда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари кўриб турганимиздан хурсандмыз.

Фестивалимызда дунёнинг 78 та давлатидан 370 дан зиёд моҳир ҳунарманд, таниқли маданият арбоблари, санъатшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

Барчангизни чин юракдан кутлаб, Ўзбекистонга, ушбу анжуманга бўлган катта ҳурмат ва эътиборингиз учун ташаккур изҳор этаман.

Ҳурматли фестиваль иштирокчилари!

Маълумки, умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъати дунёдаги ҳар бир халқ ҳаётида, унинг турмуш тарзи ва кадриятлари ривожда алоҳида ўрин тутаяди.

Инсониятнинг онгли ҳаётида ҳунармандчиликнинг пайдо бўлиши – бу цивилизация сари ташланган энг муҳим тарихий қадам, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Башарият фаҳри бўлган буюк шаҳарлар, меъморий обидалар, тарихий ва археологик ёдгорликлар, минглаб музейлардаги нодир экспонатлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ҳаммамизга аёнки, халқ амалий санъати – бу аввало, табиат билан уйғун бўлиб, табиатдан завқ ва илҳом олиб, бетакрор ижод намунасини яратишдир.

Ўзингиз тасаввур қилинг, оддий қора тупроқдан, бир бўлак темир ёки ёғоч парчасидан ноёб ва гўзал буюмлар яратиш, таъбир жоиз бўлса, уларга “жону тил” бағишлаш учун ҳунармандга нафақат машаққатли қўл меҳнати, балки қалб ҳарорати керак. Нозик дид ва маҳорат, сабр-тоқат, энг муҳими, ўз касбига чексиз меҳр ва садоқат, фидойилик керак.

Шу билан бирга, чинакам ҳунар соҳиби – у кулол бўладими, кандакор ёки тўқувчи бўладими, наққош ёки заргар бўладими – ўз ишини аъло даражада бажариш учун жуда кўп илмлардан, аввало, кимё, биология, тиббиёт, физика, геометрия, астрономия, тарих, фалсафа каби фанлардан хабардор бўлиши, уларни амалда қўллай билиши зарур.

Шу борада биргина мисол келтирмакчиман.

Бутун дунёга машҳур бўлган миллий каштачилик санъатимиз, қадимий сўзаналаримиздаги сирли, мўъжизали, илоҳий нақшлар, ранглар жилоси замирида фалакиёт илми, космогоник тасаввурлар мужассам экани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солади.

Халқимиз азалдан ўз касбининг чинакам фидойиси бўлган моҳир ҳунармандларни “уста” ва “устазода” деган номлар билан улуғлаб, эъзозлаб келади.

Шу ўринда буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг “Ҳунар шундай тулпорки, унга минган киши албатта ҳурмат-эътибор топгай ва саодат манзилига етгай”, деган ҳикматли сўзларини эслаб ўтишни жоиз, деб биламан.

Келгуси йили таваллудининг 700 йиллиги нишонланадиган бу табаррук зот нафақат азиз-авлиё, аввало, ўзлари ҳам етук ҳунарманд, аҳли ҳунарнинг пири бўлганлар. Бу улуғ сиймонинг “Дилинг – Оллоҳда, қўлинг – меҳнатда бўлсин” деган эзгу даъватига амал қилиб, юртимиздаги минг-минг ҳунармандлар ўзларининг машаққатли, ҳалол меҳнати, инсоний фазилатлари билан халқимизга, ёшларимизга ибрат ва намуна бўлиб келмоқдалар.

Айни вақтда бугунги глобаллашув ва юксак технологиялар асрида халқ амалий санъатига шунчаки ўтмиш ёдгорлиги сифатида беписанд қараш ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди. Агар бу нодир санъатни давлат ва жамият томонидан кенг қўллаб-қувватламас эканмиз, эртага кеч бўлади – ҳунармандлик соҳаси бугунги даврнинг кескин рақобатига бардош беролмайди.

Шу маънода, жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бу бебаҳо бойликни келгуси авлодларга безавол етказиш, бу

йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларимизни бирлаштиришда мана шундай халқаро анжуманларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ўзбекистонда хунармандлар меҳнатини қадрлаш, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун тегишли ҳуқуқий асос, имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган, ўз сафларида минглаб усталарни бирлаштирган “Хунарманд” уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

Бухоролик машҳур зардўз Муяссар Темирова, самарқандлик таъмирчи уста Мирумар Асадов, фарғоналик ёғоч ўймаkori Абдуғани Абдуллаев каби юртдошларимиз мамлакатимизнинг энг олий мукофоти – Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани ушбу соҳа вакилларининг шарафли меҳнатига юксак эътибор ифодасидир.

Биз фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билимлар билан бирга, халқ амалий санъати сирларини ҳам пухта эгаллаши учун кенг имкониятлар яратиб бермоқдамиз. Республикамиз пойтахти ва жойларда ушбу йўналишда ўнлаб фестиваль ва ярмаркалар, савдо кўرғазмалари, кўрик-танловлар ўтказилмоқда, ёшлар учун хунармандчилик мактаблари ташкил этилмоқда. Энг муҳими, бу соҳа вакиллари мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, туризмни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Биз тарихимиз, миллий ўзлигимиз тимсоли бўлган, қадимий ва бой анъаналарга эга хунармандчилик соҳасини ривожлантиришга янада катта эътибор берамиз. Бу борада мазкур халқаро фестиваль давомида ўртага ташланадиган амалий фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган Халқаро хунармандчилик фестивали учун айнан Қўқон шаҳри танлангани албатта, бежиз эмас. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу қадимий шаҳар ҳақли равишда “олтин водий” деб ном олган гўзал Фарғона водийсининг гавҳаридир.

Икки минг йиллик шонли тарихга, сўлим табиатга эга, қанча-қанча буюк воқеаларга гувоҳ бўлган Хўқанди латиф миллий давлатчилик, илму хунар, санъат ва адабиёт равнақининг ёрқин тимсолидир.

Кўхна Фарғона замини жаҳон илм-фани ва маданиятига Аҳмад Фарғоний, Бурхонуддин Марғиноний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Амирий ва Нодирабегим, Жаҳон отин Увайсий, Мавлоно Муқимий, Зокиржон Фурқат каби ўнлаб мутафаккир зотларни, улуғ шоир ва адибларни, Қодиржон Ҳайдаров сингари машҳур хунар усталарини етказиб бергани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Биргина мана шу Фарғона вилоятининг ўзида миллий хунармандчиликнинг қандай машҳур брендлари бор. Бу ҳақда гапирганда, Марғилоннинг камалакдек товланадиган машҳур атлас ва адрасларини, Риштоннинг бетакрор кулолчилик санъатини, Қўқоннинг ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик мактабларини, ўйлайманки, ортиқча таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Бугунги кунда бутун юртимиз, бутун Фарғона вилояти каби Қўқон шаҳри, унинг қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, ҳар томонлама обод бўлиб, мамлакатимизнинг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланмоқда.

Хабарингиз бор, ушбу фестиваль арафасида шаҳар ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди. Жаҳон ҳунармандлар кенгаши томонидан Қўқон шаҳрига “Жаҳон ҳунармандлари шаҳри” деган юксак унвон берилди. Яъни, Қўқон шаҳри дунё ҳунармандчилик харитасида ҳам муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Қўқон шаҳри Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида биринчи бўлиб ушбу рўйхатга киритилганини биз мамлакатимизда халқ амалий санъатини ривожлантиришга қаратилган ишларимизга халқаро миқёсда берилган катта баҳо, деб қабул қиламиз.

Куни кеча Жаҳон ҳунармандлар кенгашининг Осиё – Тинч океани минтақаси президенти Гада Ҳижобий Қаддумий хоним Қўқон шаҳрига ана шу гувоҳномани тантанали равишда топширди.

Мана шу қувончли айёмда муҳтарам Қўқон аҳлини, бутун Ўзбекистон ҳунармандларини ана шундай юксак эътироф билан чин дилдан табриклайман.

Бундай улкан эътибор учун Жаҳон ҳунармандлар кенгаши ва унинг президенти, ҳурматли Рози Гринлис хонимга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Ушбу халқаро фестиваль нафақат кўпмиллатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон ҳунармандлари, бутун дунё усталарининг катта байрами, десак, тўғри бўлади.

Бу – олис тарих ва бугунги замон нафасини, турли қадрият ва анъаналарни ўзида яққол намоён этадиган, муштарак дилларни бирлаштирадиган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик анжуманидир.

Аминманки, дунёда тинчлик ва ҳамжихатликни, гўзаллик ва нафосатни тарғиб этадиган бу фестиваль жаҳон майдонида албатта ўзининг муносиб ўрнини топади.

Барчангизни меҳмондўст ва саховатли Ўзбекистон заминида яна бир бор чин юракдан қутлайман.

Ушбу анжуманни юксак савияда ўтказиш учун сидқидилдан хизмат қилган барча юртдошларимизга, меҳнаткаш, оққўнгил, бағрикенг Фарғона элига, Қўқон аҳлига самимий ташаккур билдираман.

Фестивалнинг барча қатнашчиларига, муҳтарам меҳмонларимизга сиҳат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАБРИК ЙЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Гватемала Президенти Жимми Эрнесто Моралес Кабрерани миллий байрам – Мустақиллик куни билан табриклади.

ҚЎҚОН ВА МАРҒИЛОН ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 сентябрь куни Фарғона вилоятидаги “Қўқон” эркин иқтисодий зонасига ташриф буюрди.

Бу ерда, дастлаб, Қўқон ва Марғилон шаҳарларини комплекс ривожлантиришга хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича янги лойиҳалар тақдироти ўтказилди. Жумладан, келгуси уч йилда бу икки шаҳарга халқаро молия институтларининг 1 миллиард 354 миллион долларлик имтиёзли кредитлари йўналтирилиши режалаштирилган. Бу маблағ учта йўналишда – саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш, инфратузилма объектларини модернизация қилиш ҳамда кўп қаватли уй-жойлар қуриш соҳаларида ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Қўқон шаҳрида саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 510 миллион доллар миқдорида маблағлар жалб этилиши режалаштирилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 63 миллион, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги лойиҳаларга 31 миллион доллар маблағ йўналтирилади. Шаҳарда тадбиркорларга молиявий кўмаклашиш дастури доирасида халқаро молия муассасаларининг 500 миллион долларлик инвестициялари ўзлаштирилади.

Шаҳарда инфратузилма объектларини ривожлантиришга 124 миллион доллар маблағ йўналтирилиши мўлжалланмоқда. Ушбу маблағлар ҳисобидан ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иссиқлик тизими, автомобиль йўллари модернизация қилиш, шунингдек, электр ва газ тармоқларини янгилаш бўйича жами 90 та лойиҳа амалга оширилади.

Уй-жой фондини ривожлантириш учун 220 миллион доллар миқдорида инвестициялар жалб этилиб, 9 қаватли 17 та, 12 қаватли 36 та, 16 қаватли 65 та уй-жой барпо этилади.

Марғилон шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 300 миллион доллар маблағ йўналтирилади. Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига бериладиган маблағлар шаҳарда янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш имконини яратади.

Марғилонда инфратузилмани ривожлантириш учун 87,6 миллион доллар, уй-жойлар қурилишига 110 миллион доллар маблағ сарфланади. Яқин йилларда ушбу шаҳарда 9 қаватли 12 та, 12 қаватли 54 та, 16 қаватли 16 та турар-жой барпо этилиб, аҳолининг эҳтиёжи тўлиқ таъминланади. Шу тариха иккала шаҳарда ўзига хос янги шаҳарчалар қад ростлайди.

Давлатимиз раҳбари уй-жойлар қурилишига оид лойиҳалар билан танишар экан, уларни қайта кўриб чиқиш, Қўқон ва Марғилон шаҳарларини ривожлантириш бўйича беш йиллик режа қилиш зарурлигини таъкидлади.

– Аввало, қаерда қийинчилик борлигини, одамларнинг фикрини ўрганиш керак, – деди Президент. – Аҳоли қачон қайси ҳудудда қурилиш бўлишини билсин. Уй-жой билан иш ўринлари мутаносиб бўлиши зарур. Фарғоналикларнинг хунармандчилик анъаналари, ҳудуд имкониятларини инобатга олиб, чарм-пойабзал, чинни, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ва бошқа турдаги корхоналар ташкил этиш зарур.

Президент Шавкат Мирзиёев «Қўқон» эркин иқтисодий зонасидаги «Шаффоф омадли саноат» кўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

«Қўқон» эркин иқтисодий зонаси вилоятда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хомашё ва ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай майдонга айланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги фармонида асосан ташкил этилган саноат зонаси қарийб 710 гектар майдонда жойлашган. Бу ерда машинасозлик, тўқимачилик, электр техникаси, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, чарм-пойабзал ва бошқа тармоқларда умумий қиймати 180 миллион долларлик 94 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда 52 миллион долларлик 29 та лойиҳа ишга туширилган, 1 минг 700 га яқин иш ўрни ташкил этилган. Жорий йилнинг саккиз ойида эркин иқтисодий зона резидентлари томонидан жами қиймати 407 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 3,3 миллион долларлик товар экспорт қилинган.

Ҳозирги кунда ҳудудда қиймати 135,1 миллион долларлик 65 та лойиҳа бўйича ишлар давом этмоқда. Мазкур лойиҳаларга 55 миллион доллар миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилди. Улар ишга туширилгач, қўшимча 3,1 триллион сўмлик янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, 120 миллион долларлик товар экспорт қилиниб, 4,5 мингга яқин иш ўрни ташкил этилади.

Президент Шавкат Мирзиёев “Қўқон” эркин иқтисодий зонасининг салоҳияти, бу ердаги корхоналар имконияти билан танишар экан, ушбу ҳудудни янада ривожлантириш учун Туркиянинг “Гебзе” саноат зонаси тажрибасини ўрганиш, унга тадбиркорларни танлаб жойлаштириш зарурлигини таъкидлади.

– Бу ерда божхона бўлимини ташкил этиш керак, улар қандай маҳсулот импорт қилинаётган бўлса саноат зонасида шу турдаги товарларни ишлаб чиқариш бўйича тавсия бериши лозим. Мамлакатимиздаги барча эркин иқтисодий зоналар фаолиятини шу нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш зарур. Чунки эркин иқтисодий зоналарда энергиятежамкор, импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмас экан, иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширолмаймиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

«Шаффоф омадли саноат» кўшма корхонаси давлатимиз раҳбарининг жорий йил май ойидаги ташрифи якунида ишлаб чиқилган Фарғона

вилоятини 2019-2020 йилларда ривожлантириш бўйича ҳудудий инвестиция дастури доирасида ташкил этилган.

Бу ерда йилига 230 минг дона метан ва 250 минг дона пропан ускуналари, 300 минг дона бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. 400 ишчи меҳнат қиладиган корхона маҳсулотлари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия каби давлатларга экспорт қилинади.

Корхонада келаси йилдан юк ташувчи каралар, 2021 йилдан Ўзбекистонда биринчи марта электромобиллар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Хитойнинг “Silk road company” компанияси билан ҳамкорликда барпо этиладиган мазкур янги қувват учун ҳозирда 3 гектар майдон ажратилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 30 миллион АҚШ доллари бўлиб, унинг 24 миллион доллари хорижий инвестициядир.

Ҳисоб-китобларга кўра, юртимизда ишлаб чиқариладиган экологик тоза электромобиллар нархи 3 минг доллар атрофида бўлади. Улар нефть маҳсулотлари чекланган шароитда муҳим аҳамият касб этади. Электромобиллар бир марта қувватлантирилгандан сўнг 150 километр масофани босиб ўта олади.

Мазкур лойиҳа ишга тушса, йилига 2 минг дона электромобиль ишлаб чиқарилади. Бу ички бозорни транспортнинг ушбу янги тури билан таъминлаш баробарида экспорт қилиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари шу ерда «Кўқон» эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўздан кечирди, фарғоналик тадбиркорлар билан суҳбатлашди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилмоқда. Президентимизнинг соҳага доир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди, кейинги уч ой ичида Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилиб, тадбиркорларга ғов бўлаётган кўплаб бюрократик тўсиқлар бартараф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифи чоғида тадбиркорлар билан мунтазам учрашиб, уларнинг муаммоларини тингламоқда, фаолиятига тўсиқ бўлаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрмоқда.

Бу галги учрашувда ҳам Президентимиз тадбиркорлардан ўзларини қийнаётган муаммоларни рўй-рост, очик-ойдин баён этишларини сўради. Жамиятимизда бизнес муҳитини яратиш, тадбиркорларнинг “қўлини ечиш”, уларни ташаббусларини қўллаб-қувватлаш юзасидан ўз фикрларини билдирди.

– Мен кимни уддабурон тадбиркор деб биламан? Ҳисобида камида 20 миллион доллар пули бўлган ишбилармонни. Бир пайтлар 2-3 миллион доллар маблағи бўлган тадбиркорни топиш амримаҳол эди, ҳозир 20-30 миллион доллар пули бўлган, йирик-йирик корхоналар кураётган, иқтисодиётимизни кўтараётган юртдошларимиз кўпайди. Биз соҳани ривожлантириш бўйича дастлабки қадамларни қўйдик. Энди жамиятимизда бизнес муҳити ярата олсак, одамларни тадбиркорликка ўргата олсак,

кўзлаган натижаларимизга эришамиз. Сизлар юртимизга келажакда ҳам нафингиз тегиши учун фарзандларингизга билимингизни мулк қилиб қолдиришингиз лозим. Шунда жамият ўзгаради, тадбиркорлик қонида бор авлод кириб келади, улар давлатимизни ҳам, халқимизни ҳам бой қилади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашувда фарғоналик тадбиркорлар давлатимиз раҳбари билан самимий мулоқотдан руҳланганини, эркин ишлаши ва мулкдор бўлиши учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, янада самарали лойиҳаларни амалга оширишга бел боғлашларини билдирди.

Давлатимиз раҳбари Қўқон шаҳридаги Буюк алломалар музейида Фарғона вилояти фаоллари, нуронийлар, зиёлилар билан мулоқот қилди. Унда маданият, маърифат соҳаларидаги ўзгаришлар, ёшлар таълим-тарбияси ҳақида сўз борди.

Президентимиз 2017 йил 22 июнь куни Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Қўқон шаҳридаги Буюк алломалар музейида ҳам бўлган ва уни таъмирлашга доир кўрсатмалар берган эди. Шундан сўнг музейда кенг кўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди. Музей замон талабларига жавоб берадиган ҳолга келтирилди. Заллар кенгайтирилиб, зарур техник воситалар билан жиҳозланди. Бино атрофи ободонлаштирилиб, том қисми янгидан ёпилди.

Музей экспозицияси 5 бўлимдан иборат. Биринчи бўлим Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда илм-фан ва маданият, деб номланади. Унда Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Замахшарий, Бурхонуддин Марғиноний каби буюк алломалар ҳаёти, илмий-ижодий фаолиятига оид маълумотлар, улар яратган ноёб кўлёмалар нусхалари ўрин олган.

Музейнинг иккинчи бўлимида Темурийлар даврида яратилган илм-фан ва маданиятга доир осори-атикалар, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Саъиддин Тафтазоний, Гиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Мирхонд каби алломаларга оид тарихий асарлар намойишга қўйилган. Шунингдек, музей экспозицияларидан XVIII-XIX асрларда Фарғона водийсидан етишиб чиққан Машраб, Ҳувайдо, Садоий, Низомий Ҳўқандий, Азимий, Увайсий, Амирий, Нодира, Ҳакимхон Тўра, Гулханий, Фазлий, Мухйи, Муқимий, Фурқат, Завқий, Маҳмуд Ҳаким Яйфоний, Ҳазиний каби улуғ сиймолар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот олиш мумкин.

Яна бир бўлимда эса Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва унинг машҳур намояндалари Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ашурали Зоҳирий, Иброҳим Даврон, Исҳоқхон Ибрат ҳаёти ва фаолияти кенг ёритилган. Қўқон хаттотлик санъати, миллий ҳунармандчилик ҳамда зиёратгоҳларга доир маълумотлар ва экспонатлар ҳам қўйилган.

Музейнинг бешинчи бўлимида XX асрда Фарғона водийсидан етишиб чиққан улуғ олимлар, академиклар – Қори Ниёзий, Теша Зоҳидов, Раҳима Аминова, Пўлат Қаюмий, Боқий, Азиз ва Лазиз Қаюмовлар ва бошқаларнинг

хаёти ва илмий ижодий фаолиятини акс эттирувчи материаллар ва экспонатлар ўрин олган.

Музей қошида “Алломалар ворислари” номли ўқув-ахборот маркази ташкил этилган. Ушбу марказ илмга ва ижодий фаолиятга қизиқувчи ёшлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Мулоқотда мамлакатимизда миллий кадриятларни эъзозлаш ва тарғиб этиш, буюк алломалар меросини ўрганишга катта эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Бахшичилик ва мақом санъати бўйича халқаро фестиваллар ўтказилгани бу борада улкан аҳамиятга эга бўлди. Имом Бухорий, Имом Термизий марказлари, Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, адиблар номлари билан аталган ижод мактаблари ташкил этилди. Президент мактаблари, янги олий ўқув юртлиари ёш авлод учун янада кенг имкониятлар яратди.

– Вақт шиддат билан ўтяпти. Ҳар бир соҳа бўйича изланишда, тинимсиз ҳаракатдамиз. Ўзгаришлар бор, лекин ҳали бизни қаноатлантирмайди, – деди Президент.

Фаоллар бутун Фарғона вилоятида бўлгани каби Қўқон шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани, Халқаро ҳунармандчилик фестивали туфайли шаҳар янада обод бўлиб, бу ерга бутун дунёдан меҳмонлар келганини мамнуният билан қайд этишди.

Давлатимиз раҳбари Қўқон шаҳридаги Буюк алломалар музейи ёнида байрамона кайфиятда кетаётган юртдошларимиз билан учрашди. Самимий суҳбатда қўқонликлар Президент Шавкат Мирзиёевга шаҳарда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва рўй бераётган янгиланишлар учун миннатдорлик билдирди.

**УШБУ ҲАФТА “АХБОРОТ ВА МУРАББИЙЛИК СОАТИ”
МАШҒУЛОТЛАРИНИ “ИНСОН ОДОБИ БИЛАН ГЎЗАЛ” МАВЗУСИДА
ЎТКАЗИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ЁРДАМЧИ МАТЕРИАЛЛАР
(мазкур матнга слайдлар илова қилинади)**

Режа:

- 1. Инсон одоби миллий кадриятларимиз ва тарихий анъналаримиз кўзгусида.**
- 2. Одоб оилавий тарбиядан бошланади.**
- 3. Бугунги “миллий ва замонавий ўзбек боласи”нинг сиймоси қандай бўлиши керак?**

Оилада бола тарбияси масаласи Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий қарашларида ҳам мавжуддир. Унинг айтишича, “Ота-оналар икки хил: туғилиш отаси ва таълим бериш отаси: биринчиси жисмоний ҳаёт сабабли, иккинчиси руҳий ҳаёт сабабли”. Шунга кўра уларни ўзвий бирликда олиб қараш тарбия ишида муҳим аҳамиятга моликдир. Унинг қуйидаги сўзлари анчайин ибратлидир: “Замондан яхшироқ таълим берувчи муаллимни, инсондан яхшироқ таълим оладиган ўқувчини кўрмадим”. Унинг бу

сўзларидан бир томондан ижтимоий муҳитни бола тарбияси учун ҳал қилувчи таъсирини англасак, иккинчи томондан инсон шахси таълим натижасида камолотга эришиб бориши мумкинлигини сезамиз.

Абу Райхон Беруний инсоннинг ахлоқий фазилатларини, умуман ахлоқий тушунчаларини инсоннинг табиати билан боғлайди. Инсон табиати эса аввало оилада шаклланади. Шунга кўра бола тарбиясида ота-она таъсири ва намунали бениҳоя каттадир. Масалан у аёлларга насиҳат қилиб, Абдулла ибн Жафар тилидан шундай деб ёзади: “Рашқдан сақлангин. У талоқнинг калитидир. Эринга тез-тез танбеҳ қилишни сенга таъқиқлайман. Чунки танбеҳ нафрат уйғотади. ўзингни безаб юргин. Бунинг учун яхши восита сурмадир. Яна хушбўй атирлардан фойдалангин. Уларнинг ичида энг яхшиси сувдир”. Унинг бу фикрлари бевосита оилада фарзанд тарбиясига

т
а
ь
л
у
қ
л
и
д
и

Беруний тан ва руҳ поклиги масаласини ҳам ўртага ташлайди. Оилада тозалик, поклик ва тартиблилик мавжуд экан, у ерда маънавий поклик ҳам бўлади. Бу фикрни-танани тоза тутиш билангина чеклаб бўлмайди, балки кўп ҳаракат қилишга чақиради. Бу ҳаракат меҳнат қилиш демакдир. Унинг қалб ва ҳаракат ҳақидаги фикри инсоннинг тани билан руҳи поклигини бир бутунлиги тўғрисидаги ғоя билан боғлиқдир. Бу нарса бола тарбияси жисмоний соғломлик билан маънавий-ахлоқий бойлик ўртасидаги ўзаро мувофиқлик ҳақидаги бугунги кун талаби билан ҳамоҳангдир. Беруний ота-оналарга қарата бола тарбияси масаласида Абу Али Ибн Синонинг Ибний Масриқ билан муҳим ўрив ва ашлайди, кўрқини ва ҳафари саррайқас болидан сакмагорқади уриши тарбияни ҳақида уларни муҳимга белва руҳийдалини ўртасини борибидасўйшаб қисмабаҳо қирсадан ёздиқ. Уларнинг ҳамма рақабирқулун бўлабқимуйя нуктедаги оиди. Қаруний билиз тарбиясида қирсмақди узиди маънавийя таъвоқрийна бирдек мунсонни ашаклини тиркид ҳақидаган ғоига Беруний ақалсақий Ибн Сино мусулман бидриш алчман баярийдасомкеласбаридиқан тақбида бобди падва Ахлоқийлик яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш натижасида намоён бўлади ва шаклланади. Унинг бу фикри ўз даври учун янги ва илмий башорат эди.

а
в
и
й

т
а
р
б

эрдан паст ва тўрт нарсада, хуснда ва жамолда, хулқда, одабда ва ифбатда эрдан юқори бўлиши зарурлигини, таъкидлайди. Бу фикр турмушда тинч ва тотув яшаш, оилада эр-хотин муносабатларида катта аҳамиятга эга.

Соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида ёзади: “Келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг нсл-насабини, етти пуштини суриштирдим . . . соғлиқ . . . жисмонан камолатини аниқладим . . . барча қусурлардан холи бўлсагина . . . келин туширдим”. Бу сўзларда ўз қонининг тозаллигини сақлаш унинг айнишига йўл қўймаслик ва уни олдини олишга интилишини кўриш мумкин. Зеро қондаги, руҳдаги айниш – миллатнинг минг йиллик қадриятларини нобуд қилиши мумкин.

Шундай қилиб, оилавий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари ва таъсир қилиш омиллари мавжуд. Буларни ҳисобга олмасдан туриб, бола тарбиясини оилада яхши йўлга қўйиш мумкин эмас. Бунинг учун аввало ота-оналарнинг ўзлари тарбияланган бўлишлари лозим. Инсониятнинг кўпайиши табиат қонуни бўлгани каби бола дунёга келган кундан бошлаб ота-онанинг бола тарбияси учун жавобгарлиги ҳам жамиятимизнинг қонунидир. Азалдан бола тарбияси билан ёшлигидан, асосан, она шуғулланган, отанинг асосий вазифаси оилани боқиш бўлиб, уйда бўлган вақтда болани назорат қилиб боришдан иборат эди. Бугунги оилавий тарбия, “Миллий ва замонавий ўзбек боласининг сиймоси қандай бўлиши керак?” деган саволга жавоб талаб қилмоқда. Бугунги бола ўтган аср боласидан кескин фарқилади, ўзбек ўғил-қизлари замонавий комил инсон сиймосига эга бўлмоғи лозим. Табиийки, бу жараёнда оилавий тарбиянинг ўрни беқиёс. Бола, асосан, оилада тарбияланади. Оила ўз муҳити орқали боланинг дунёқарашига ва хулқига доимо ўз таъсирини ўтказиб туради. Ибн Сино таъбирича, ота-она бола тарбиясини унга исм қўйишдек олийжаноб вазифадан бошлайди. А.Авлоний эса бу соҳада биринчи навбатда боланинг соғлиги ҳақида қайғуриш лозимлигини таъкидлайди. Таълим фақат сўз ва ўргатиш билан бўлса, тарбия эса амалий иш ва тажриба воситасида амалга оширилади. Боланинг жисмонан соғлом, ахлоқан пок, меҳнатсевар, маданиятли интеллектуал салоҳиятли бўлиб ўсишдан жамиятимиз ҳам манфаатдор. Ўқув тарбиявий муассасаларнинг тарбия борасидаги ишлари қанчалик яхши йўлга қўйилишидан қатъий назар, тарбия масалаларини оила ҳал қилади. Боғча ва мактаблар таълим берса ва тарбияласа, ота-оналар фақат тарбиялабгина қолмай, улар билан бирга яшайдилар ҳам. Шу имкониятлар боис боланинг таъсири кучли ва узоқдавом этади. Ота-оналарнинг фарзанд учун фидойи бўлишлиги ўзбек миллатига хос бўлган ажойиб фазилатдир.

Маърифатпарвар Мунаввар Қорининг «Оила аъзолари» номли дарсликининг бўлимларида ота-онани хурматлаш, ака-ука қариндош уруғини эъзозлаш каби ғоялар алоҳида ўрин эгаллайди.

Кишининг бор эрса ота-онаси
Ғаниматдир унга оларнинг ризоси
Худони қошида қабул экандир
Ота ва онанинг балога дуоси

Оилада фарзанд дунёга келгандан бошлаб оиланинг жамият олдида жавобгарлиги кундан кунга ортиб боради. Чунки ўсиб келаётган авлоднинг тақдири ана шу муаммонинг ҳал қилиниши билан узвий равишда чамбарчас боғлангандир.

Абдурауф Фитрат 1916 йилда «Оила» номли фалсафий асарини ёзган бўлиб, унда оилавий ҳаётни ислохотидан баҳс юритилган ва адиб нажот йўлларини ахтариб ҳалқларнинг умуминсоний қардошлик ғоясини тарғиб этган. Фитрат оилани ижтимоий вазифалари деб, «Авлод тарбияси», «Фикрий тарбия», «Ахлоқий тарбия» каби қисмларга бўлади.

Инсоннинг маънавий ва ақлий хислатларини, асосан, унинг олган тарбияси, яшаган муҳити белгилайди, деб ҳисоблаган. Агар, яхши тарбия инсоннинг энг қимматли бойлиги бўлса, нотўғри тарбия унинг учун чинакамига бахтсизликка, хатто, халокатга айланишини уқтирган. Шунинг учун мактаб тарбияси билан бир каторда оила тарбиясига ҳам катта аҳамият берган. Оилада тўғри йўлга қўйилган тарбия мактаб учун катта мададдир ва аксинча, оилада тегишли тарбия ишлари олиб борилмаса, бу ҳолда мактабнинг таълим-тарбия ишини жуда қийинлаштириб қўяди.

Буюк алломаларимизнинг илмий тадқиқотлари ва жаҳон цивилизациясига қўшган улушлари кишилик жамиятидаги муносабатлар ва институтларни эркинлаштириш каби ислохотларга асос бўлди. Ўрта асрлар, Шарқ тарихи шундан далолат берадики, жамият тараққиётига дахилдор барча соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вижудга келиши, беназир тафаккурли шахслар камолга етиши, қишлоқ ва шаҳарлар тараққий этиши муайян даврда барқарорлик таъминланганлиги билан бевосита боғлиқдир.